



“Тафаккур” журнали даврий нашрини чоп этиш эълони матнини Республика товар-хомашё биржасининг махсус ахборот порталига жойлаштирилиши бўйича масъул шахсларга кўрсатма беришингизни сўрайман.

*Республика товар-хомашё биржасининг махсус ахборот  
порталига жойлаштириладиган танлов шартлари  
ва ҳужжатлари бўйича эълон матни*

Танловга қўйилаётган хизмат тури: “Тафаккур” журнали даврий нашрининг 2022 йил 4-сонини чоп этиш.

*Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:*

1. Чоп этиш ишларини буюртмачи томонидан тақдим қилинган талаблар асосида сифатли ва тез бажариш;
2. Тегишли лицензия ва гувоҳномага эга бўлган, ноширлик фаолиятида камида 5 йиллик тажрибага эга ҳамда ўз технологик базасига эга бўлиш;
3. Ғолиб чиққан ташкилот (бажарувчи) белгиланган вазифаларни 7 иш куни давомида тўлиқ тайёрлаб, буюртмачига топшириши лозим;
4. Танловда ғолиб чиққан ташкилот (корхона) билан таҳририят ўртасида расмийлаштирилган шартномада кўзда тутилган ишлар белгиланган муддатда бажарилмаса, ҳар бир кечиккан кун учун бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня ундириш амалиёти мавжудлиги инобатга олинсин;
5. Талабгорлар томонидан тижорат таклифларини ҳамда мазкур билдиргига 8 та иловадан (форма) иборат бўлган ташкилот ва корхонага тегишли маълумотларни (ариза, кафиллик хати, танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот, унинг молиявий ҳолати ҳақида маълумот, ишончнома, таклиф қилинаётган маҳсулотнинг техник тавсифига қиёсий жадвал, таклиф этилаётган нарх ва унинг жадвали) муҳрланган почта конвертларида тақдим этишлари шарт.

*Даврий нашрининг умумий тавсифи:*

Номи – “Тафаккур” журнали

1 дона нашр учун таклиф этилаётган нарх – 12 000 сўм.

96 бет, адад – 8100, 100 фоиз рангли.

Буюртмачи мансабдор шахснинг лавозими, Ф.И.Ш., манзил ва телефон рақами: бош муҳаррир Эркин Аъзам. Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 9-уй.

Танлов таклифини расмийлаштириш шакли: муҳрланган конвертда топширилади.

Буюртмани бажариш муддати: 10 кун

Танлов ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 9-уй

Бошланиш муддати: 30.11.2022 йил

Тугалланиш муддати: 05.12.2022 йил

Таклифларни топширишнинг охириги муддати: 2022 йил 5 декабрь.

Таклифларни топшириш манзили: Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 9-уй.  
Телефон:(55)508-11-45;(55)508-11-46; (97) 018-11-14.

*Таклифларни баҳолашнинг асосий мезонлари:*

- таннарх;
- муддат;
- ишлатиладиган хомашё;
- буюртмачи томонидан тақдим қилинган эълон шартларига мувофиқ бажариш;
- тўловни амалга ошириш шартлари;
- Комиссия аъзолари томонидан наشر этиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳам мезон сифатида баҳоланиши мумкин;
- Таклифлар комиссия йиғилишида кўриб чиқилади. Ғолиб комиссия аъзоларининг очик овоз бериш йўли (оддий кўпчилик овоз) билан танлаб олинади.

Бош муҳаррир ўринбосари



С.Ёқубов